



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Чинташев Одил Худайбердиевич

Фуқаро мухофазаси институты Катта ўқитувчи

ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ МАЊНАВИЙ-РУХИЙ ТАЙЁРЛАШ

Аннотация: Мазкур мөқолада фуқароларниң фавқулодда вазиятларда мажбуриятлари ва уларни мањнавиий-рухий тайёрлаши усуулари таҳлил қилинганд.

Шунингдек уибы мақолада, фуқароларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилишининг асосий принциплари ҳамда руҳшунос олимлар, тадқиқотчи-психологларниң фикрлари ёритилган. Фуқароларни фавқулодда вазиятларда ҳатти-харакатларга тайёрлаши бўйича руҳий тайёргарлик усууларидан мисоллар ҳамда мањнавиий-рухий тадбирларнинг мазмуни келтирлган.

Калит сўзлар: табиий, техноген, фавқулодда вазиятлар, мухофаза, аҳоли, ҳудудлар, ҳавфсизлик, руҳий тайёргарлик, фуқаролар, экологик, ҳавфли ҳодисалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли китобида, “Бир ҳақиқатни очиқ тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислоҳот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсага ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир” -деб такидлаб ўтган.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиё ҳудудида ҳам табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар сони тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш тизимларининг ўрни кучайиб боради.

Инсониятнинг ривожланиш тарихи табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар билан боғлиқдир Инсон манфаати, унинг қадрқиммати, саломатлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш - кундалик ҳаётимиз жабҳаларида долзарб, устувор ва муҳим ўринни эгаллайди.

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиллик Қонун ва бошқа қонунчиллик хужжатларидан иборатдир.

Лекин аҳоли ҳаётига фақатгина оммавиий қирғин қуроллари эмас, балки табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳам таҳдид солиб



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

турадики, уларни асло назардан четда қолдириш мумкин эмас. Булар турли табиий оғатлар, авария, ҳалокатлардир.

Шу үринде яна бир масалани ойдинлаштириб олишга тұғри келади. Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятнинг үзи нима, ундан ахоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш деганда нимани күзда тутиш лозим?

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар - муайян ҳудудда одамлар қурбон бұлишига, одамларнинг соглигига ёки атроф табиий муҳиттә зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий оғат ёхуд бошқа оғат натижасида, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар.

Шу билан бирга, ахолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳам бундай вазиятларда үз мажбуриятлари мавжуд.

Фуқароларнинг фавқулодда вазиятларда мажбуриятлари

Фуқаролар:

хавфсизлик чораларига риоя этиши, ишлаб чиқариш интизомининг ва технологик интизомнинг, экологик хавфсизлик талабларининг фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган бузилишларига йўл қўймаслиги;

фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишнинг асосий усуларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганиши ҳамда үз билимлари ва амалий қўникмаларини такомиллаштириши;

фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, оғатлар, ҳалокатлар ва ёнгинлар хавфидан дарак берувчи аниқланган аломатлар тўғрисида тегишли органларни хабардор қилиши;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи шароитларидаги ва фавқулодда вазиятлар рўй берган шароитлардаги огохлантириш сигналларини, юриштуриш қоидаларини ҳамда ҳаракат қилиш тартибини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усулларини билиши;

зарур бўлганда, қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга оширишга кўмаклашиши шарт.

Фавқулодда вазиятлардан ахолини муҳофаза қилишни ташкил қилишда ушбу масалалар билан шуғулланувчи барча ташкилотлар "Ахоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

мухофаза қилиш тұғрисида" ги Конунда белгилаб құйылған асосий принципларға амал қилишлари лозим.

Фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилишнинг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлык, инсон хаёти ва соғлигининг устуворлиги;

ошкоралик;

ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш чораларининг олдиндан күриши.

Шу билан бирга, ахолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда мухофаза қилишда, ахолини маънавий-рухий томонидан тайёргарлик муюммоси бугунги кунда асосий долзарб ва устувор ҳисобланади.

Фуқароларни фавқулодда вазиятларга тайёрлашнинг асосий йўналишларидан бири бу табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишда маънавий-рухий тайёрлашдир.

Шу мақсадда ахолини барча табақаларини фавқулодда вазиятлардан мухофазаланиш соҳасига мунтазам ўргатилиб борилади.

Рухшунос олимлар ҳам бундай тайёргарликнинг жуда муҳимлиги ҳақида гапирадилар. Улар ҳайратомуз рақамни келтирадилар: ҳарбий қисмлар жанговорлик қобилиятининг 65% аскарларнинг маънавий-рухий ҳолатига боғлик экан.

Тадқиқотчи-психологлар П. Хочкинсон ва М. Стюарт "Халокатда омон қолиши" номли китобларида ёзишларича, күпчилик учун ёнгин вақтида унинг алантаси дўзах ўти бўлиб туюлади. Эҳтимолки, ёнгин вақтида одамларни қайсиdir бошқа хавфли вазиятдагидан кўра кўпроқ ваҳима босади.

Бу хавфли ҳодисанинг хусусияти аввал ваҳима қилиб қочишдан иборат. Бу одамнинг хавфли вазиятдан қочиб қутилишга уринишидан бошқа нарса эмас.

Одам ҳамма нарсани унитиб, ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, асосий мақсад бутун вужудини қамраб олган, баъзан мутлақо асосиз қўркувдан қутилиш бўлади. Ёнгиндаги вазиятни одам ўзининг омон қолишига тўғридан-тўғри таҳдид деб тушинади, баданни муздек тер бостириб юборадиган, қаттиқ қўркув ҳисси пайдо бўлади, фожиа бир зумликина бўлиб туюлади, мияда эса ҳаракат қилиш керак, деган фикр туғилади.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Фуқаро мухофазасида рухий тайёргарлик - бу одамларда рухан чидамлиликтен шакллантириш ёки құйилған вазифаларни бажариш, тинчлик ва уруш вақтидаги хавфли вазиятларда фидокорона ҳаракат қилиш қобилитини күчайтиришдеги хислатларини ҳосил қилиш демектир.

Фуқароларни фавқулодда вазиятларда ҳатти-харакатларга тайёрлаш бүйіча рухий тайёргарлик усулларидан мисоллар көлтирамиз.

“Үтдан құрқиши”ни енгіш. Одам сакраб ўта оладиган кенглиқда узун завур қазилади. Үнда ишлатиб бўлинган солярка ёки бошқа ёнадиган суюқлик тўлдириб, ёқиб юборилади. Олов девор ҳосил қилиб ёнаётганда, таълим олаётганлар муҳофаза кийимларини кийиб сакраб, шу олов деворидан үтадилар. Бунда, ҳар эхтимолга қарши, олов деворнинг икки томонидан сув шланглари ушлаган қутқарувчилар туришади.

“Баландликдан құрқиши”ни енгіш. Ходалардан тўрт қаватли уй макети қурилади. Баландликда хода устида машқ қилинади. Машқ қилаётганлар хавфсизлик камарини боғлаб оладилар ва улар баланд минорага чиқиб, ундан қутқариш арқони ёрдамида пастга тушадилар.

“Сувдан құрқиши”ни енгіш. Сувли тўсиқ устига узунлиги 100 метрли тебранма кўприк қурилади. Таълим оловчилар шу кўприк устидан юриб, сув тўсиқларидан үтадилар. Тайёргарликнинг бундай усулда олиб борища таълим оловчиларда фавқулодда вазият юз берганда эсанкираб қолмаслик, чидам ва мардлик кўрсатиш хиссини шакллантиради. Машғулотлар ва ўқув машқларини юқори савияда, кечаси ва кундузи, мураккаб об-ҳаво шароитларида, захарланиш зоналаридан ўтиб, вайронна уюмларини саронжамлаб, ёнгинни ўчириб ва ҳ.к. ўтказишлари керак. Фақат шундай йўл билангина қийинчиликларни енгигб ўтишга ўргатиш, одамларда зарур бўлган маънавий-рухий хислатларни шакллантириш мумкин.

1984 йил март ойида Газли зилзиласи вақтида Когоңдан келган санитар дружиначилари фидокорона ҳаракат қилдилар. Бироқ, уларнинг айримлари қон оқиб турган ярани ва бошқа турдаги жароҳатларни кўриб қўрқиб кетган эдилар. Бу санитария дружиналарининг сардори тўғри қарорга келди, яъни тегишли ташкилотлар билан келишиб, сандружиначиларни навбатчилик қилишга тез тиббий ёрдам пунктларига юборди. У ерда сандружиначилар керакли хислатларни ўзларида ҳосил қилишлари учун даволаш профилактик тадбирларига ёрдам беришди. Бу эса ўз навбатида ижобий натижада берди.

Аҳолини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишда маънавий-рухий тайёргарликнинг асосий вазифаси бу фуқаро муҳофазасига қаратилған давлат қарорлари талабларини таъминлашдир.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Фуқаро мухофазасида маънавий-рухий тадбирларнинг мазмуни:

фуқаро мухофазаси бўйича аҳолига ҳавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳақида давлатнинг қарорлари ва сиёсатини тушунтириш;

аҳолида юксак даражадаги маънавий-рухий хусусиятларни: мардлик, ўзини ушлай билиш, жасурлик, ботирлик, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт иншоотларини мухофаза қилиш каби тадбирларга фуқароларни тайёрлаш;

аҳолига фавқулодда вазиятларда мухофаза қилиш усул ва воситаларни тушунтириш;

аҳолини ўз вақтида қутқарув ва бошқа ишларни олиб боришни ўргатиш;

зараарланганда ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам кўрсатиш усулларини ва воситаларини ўргатиш;

радиактив моддалар, захарли моддалар, бактериал воситалар ва бошқа қучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан захарланганда, қисман санитария ишловини олиб боришни ўргатиш;

маънавий-рухий тайёрлаш усуллари:

давра сухбатлари ўтказиш;

доимий равишда ҳалқ билан мулоқотда бўлиш.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган холда қўйидагича хуоса қилишимиз мумкин.

Фавқулодда вазиятларда фуқаро мухофазаси вазифаларини муваффақиятли бажарилишини фақатгина, олдиндан, пухта уюштирилган амалий машғулотлар билан бирга маънавий-рухий тайёрлаш натижасида эришиш мумкин.

Фуқаро мухофазаси соҳасида тайёргарликдан ўтаётганлар фуқаро мухофазасининг ҳозирги замондаги ролини қанчалик тўғри тушинсалар, уларнинг бу соҳадаги билим, маҳорат ва кўнилмалари шунчалик мустаҳкамроқ ва мукаммалроқ бўлади.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги 2022 йил 8 июл кунидаги Конуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида” ги 2023 йил 29 апрель кунидаги 171-сонли Қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент: O'qituvchi MU MCHJ, 2021. 6-65 б.
4. Шойгу Ю.С. Психология экстремальных ситуаций для спасателей и пожарных/ под общей ред. М.: Смысл, 2007., стр.169-172.
5. Немов Р. С. Психология / Учебник - М.: Высшее образование, 2008., стр. 112-115.
6. Корчемный П.А., Елисеев А.П. Психологическая устойчивость в чрезвычайных ситуациях / Курс лекций. Часть I. Новогорск, 2000., стр. 81-83.
7. Шойгу С. К., Фалеев М. И., Кириллов Г. Н. и др. Учебник спасателя/ под общ. ред. Воробьева Ю. Л. - 2-е изд., перераб. и доп. - Краснодар: «Сов. Кубань», 2002. Стр.78-83.
8. Эгизов И.А., Ордobaев Б.С., Абдыкеева Ш.С. Аварийно-спасательные работы на водных объектах: учебное пособие для студ. направления «Техносферная безопасность» профиля «ЗЧС»/ сост.:Бишкек: Изд-во КРСУ, 2017. Стр. 121-123.
9. <http://www.lib.psixology.msu.ru>, <http://www.lib.psixology.narod.ru>